



КАСАЛЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ГЕЛМИНТОЗЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Амонбоев Абдумалик Собиржон ўғли
Гигиена кафедраси клиник ординатори

Холов Шавкат Рўзи ўғли
Гигиена кафедраси клиник ординатори

Илмий раҳбар:

Файзибоев Пирмамат Нормаматович
Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси мудири т.ф.д.
доцент

Аннотация: Многие исследователи считают, что факторы передачи яиц гименолепидоза: большое значение имеют детские горшки, стулья, игрушки и другие предметы, которые соприкасаются с поврежденными руками. В Узбекистане наиболее важным фактором передачи яиц в сельских условиях являются детские сладости, халва и другие пищевые продукты.

Также в распространении возбудителя гименолепидоза в некоторой степени участвуют и мухи. И в литературе наличие промежуточного хозяина, несущего яйца остается под вопросом до сих пор.

Ключевые слова: Паразиты, патологические изменения, черви, детские дома, эпидемиологическое расследование.

Abstract: Many researchers believe that the factors for transmitting hymenolepiasis eggs are: children's pots, chairs, toys and other objects that come into contact with injured hands are of great importance. In Uzbekistan, the most important factor in the transmission of eggs in rural settings is children's sweets, halva and other food products.

Flies also participate to some extent in the spread of the causative agent of hymenolepiasis. And in the literature, the presence of an intermediate host that lays eggs remains questionable until now.

Keywords: Parasites, pathological changes, worms, orphanages, epidemiological investigation

Мавзунинг долзарблиги: Дунё бўйича одамлар танасида паразитлик қилувчи 270 га яқин гижжалар тури аниқланган. Инсоннинг паразитар касалликлари соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири боғлиб қолмоқда (Онищенко Г.Г.2000). Ушбу ҳолат уларнинг кенг тарқалганлиги ва одам организмида турли патологик ўзгаришлар келтириб чиқариши билан тушунтирилади (Сергиев В.П., 1998; Катз М., 1975;). Паразитар касалликлар инсонлар соғлигига жиддий зарар етказиб, айниқса болалар учун хавфли ҳисобланади (Серов В.П. ва бошқ., 1997; Катз М., 1975 ; Гендлер Д. Эт ал., 2003). Паразитозлар ер юзи аҳолисининг катта қисмини



зарарлантириб, жамият ривожланишига жиддий ижтимоий ва иқтисодий зарар етказди (Романенко Н.А., 2005; Оълмасов М.М., 2008).

Аҳолининг маданий ва турмуш даражасининг яхшиланганлиги шаҳар ва қишлоқ хўжалиги тадбирларини амалга ошириш маданиятининг ошганлиги ҳамда гелментозларга қарши режали профилактик чораларни доимий равишда олиб борилиши, республикамизда ушбу паразитар касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Шу билан бирга эришилган муваоффақиятларга қарамай, Ўзбекистонда гелминтозларнинг 10-12 тури қайд этилмоқда. Энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, тениаринхоз, трихотсефалиоз каби гелминтозлар баъзи вилоятларда оммавий равишда тарқалган.

Мақсад: Мактаб ёшигача бўлган уюшган ва уюшмаган болалар, болалар боғчаларига, болалар уйларига, мактабларга, оромгоҳларга қабул қилинаётган болалар, болалар жамоалари ходимлари, овқатланиш муассасалари хизматчилари орасида гименолепидоз билан касалланиш ҳолатларини эрта аниқлаш ва олдини олиш.

Тадқиқотнинг материаллари: Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг гелминтозлар билан касалланиши бўйича аҳоли гуруҳлари бўйича расмий ҳисоботлар ва эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув натижаларининг маълумотларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари:

Гелминтозларнинг турлари бўйича касалланиш кўрсаткичлари таҳлил этилганда қуйидагилар маълум бўлди. 2018 йилда аскаридозлар билан касалланган 63 нафар беморлар аниқланган бўлиб, улардан 49 (77,7%) нафари болалардир. Зарарланиш индекси катталарда ҳам, болаларда ҳам 0,01% ни ташкил этиб, касалланиш кўрсаткичлари 2022 йилда ҳам 2018 йилдагидек даражада сақланиб қолган. Таҳлил этилаётган йилларда Тошкент шаҳрида гименолепидоз ва энтеробиоз билан касалланиш кўрсаткичлари болаларда катталардан фарқ қилиб юқориликча қолган. Масалан, гименолепидоз билан 2018 йилда 161 киши касалланган бўлса, улардан 132 (81,0%) нафари болалар бўлган. 2023 йилда эса 142 нафар касалланганлардан 127 (89,4%) нафари болалар эканлиги маълум бўлди. 2018 йилда энтеробиоз билан жами касалланганларнинг 96,0% ини ва 2022 йилда 95,7% ини болалар ташкил этган. Шу билан бирга тениаринхоз (84,2% ва 69,0% тегишлича) ҳамда эхинококкоз (91,3% ва 81,2%) билан касалланиш кўрсаткичлари катталарда юқори



эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Келтирилган рақамлар шундан далолат берадики, Тошкент шаҳри шароитида асосан мулоқот йўли билан юқадиган гелминтозлар (гименолепидоз ва энтеробиоз) кўпроқ учраши, сўнгра гелминтозларга мансуб аскаридоз ва биогелминтозлар ҳисобланмиш, тениаринхоз ва эхинококкозлар қайд этилди.

Тошкент шаҳри бўйича болалар ўртасида гелминтозлар билан касалланишнинг 2017-2023 йиллардаги таҳлили 1 жадвалда келтирилган.

1 жадвал

Гелминтозлар билан касалланишнинг Тошкент шаҳри бўйича болалар ўртасида 2017-2023 йиллардаги таҳлили.

Йиллар	Умумий текширилган	Касаллик аниқланганлар сони	14 ёшгача текширилган болалар	Касаллик аниқланганлар сони	Уюшмаган болалар сони	Мактаб ўқувчилари	Мактаб гача тарбия муассасалари
					Касалланганлар сони	Касалланганлар сони	Касалланганлар сони
2016	568713	10641	419780	10127	1837	2201	6254
2017	590654	10084	446514	9662	1639	1863	5743
2018	575046	9628	426541	9164	1500	2213	5350
2019	568921	9243	429805	8815	1244	2289	5096
2020	569931	9184	431067	8749	1215	2214	4990
2021	558833	7635	425430	7238	1239	2005	3861
2022	551083	7772	421462	7391	1138	2029	3924

1-жадвалдан кўриниб турибдики, шаҳарда гелминтозлар билан касалланиш кўрсаткичлари айниқса мактабгача тарбия болалар муассасаларида юқори. Масалан, 2019 йилда ушбу муассасаларда тарбияланувчиларнинг 5096 нафарида ҳар хил гелминтозлар топилган бўлиб, зарарланиш индекси 5,4% ни ташкил этган. 2020 йилда эса зарарланиш индекси 5,5 % га тенг бўлган. Касалланиш кўрсаткичлари мактаб ўқувчиларида уюшмаган болаларга нисбатан анча юқори эканлиги ҳам кўзга ташланади. Масалан, 2019 йилда мактаб ўқувчиларидан 2289 нафари гелминтозлар билан касалланган бўлиб, зарарланиш индекси 1,47% ни ташкил этган. Уюшмаган болаларда эса, зарарланганлар сони 1244 нафар бўлиб, зарарланиш индекси 1,3% га тенг. 2020 йилда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди.

Демак, амалга оширилган изланишлар асосида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин. Тошкент шаҳри шароитида аскаридоз, гименолепидоз ва



энтеробиоз билан кўпроқ болалар, тениаринхоз ва эхинококкоз билан эса катталар касалланганлар. Гелминтозлар билан энг юқори касалланиш кўрсаткичлари мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбияланувчилари орасида, сўнгра мактаб ўқувчилари ва уюшмаган болалар орасида аниқланган.

Мактабгача болалар муассасаларида мулоқот йўли билан юқадиган гелминтозлар (энтеробиоз, гименолепидоз) билан касалланиш кўрсаткичларининг юқори эканлигини ушбу муассасаларда тарбияланувчи болаларнинг шахсий гигиена кўникмаларига ҳали бутунлай ўрганмаганликлари билан ҳам изоҳлаш мумкин. Беморларнинг жинси бўйича маълумотлар таҳлил этилганда эса аскаридоз билан касалланган беморларнинг 67,0% эркаклар ва 33,0% аёллар эканлиги маълум бўлди.

Қолган гелминтозларга нисбатан қуйидаги натижалар олинди. Тениаринхоз ўз навбатида 56,0% ва 44,0% тегишлича; гименолепидоз 50,1% ва 49,9% тегишлича; энтеробиоз 75,0% ва 25,0% тегишлича; эхинококкоз-54,0% ва 46,0%.

Демак, Тошкент шаҳри шароитида учрайдиган гелминтозлар билан асосан эркаклар касалланар эканлар.

Хулоса: Беморларни эрта аниқлаш ва уларни даволаш. Бу ўринда қуйидаги тоифага кирувчи гуруҳларга алоҳида эътибор берилади: мактаб ёшигача бўлган уюшган ва уюшмаган болалар, болалар боғчаларига, болалар уйларига, мактабларга, оромгоҳларга қабул қилинаётган болалар, болалар жамоалари ходимлари, овқатланиш муассасалари хизматчилари, касаллик аниқланган оила аъзолари. Болалар боғчалари ва хонадонларда гименолепидоз билан касалланган беморларни алоҳида гуруҳларга ажратиш. Ушбу гелминтозлар билан касалланиб ўтган болаларни икки йил муддатда диспансер кузатувидан ўтказиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бабуева Р.В. В кн.: Паразитологические исследования в Сибири и на Дальнем Востоке: Материалы 11 межрегиональной конф. 12-20 сент. 2005. – Новосибирск, 2005 – С. 15.
2. Файзиев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузаил Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзиев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ



ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 71–76.

3. Балаян Ю.В Сравнительная эффективность Лечения албендозолом и стандартные методы лечения метронидазолом с фуразолидоном у больных хроническим лямблиозом детей. //Инфекция, иммунитет и фармакология.- 2006. -№5.-S. 14-15.
4. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
5. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
6. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОТЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.
7. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
8. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
9. Файзибоев П. Н. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРИН //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
10. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
11. Файзибоев П. Н. ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 290-295.
12. Файзибоев П. Н. и др. ЗНАЧЕНИЕ КОНДИТЕРСКОЙ ПРОДУКЦИИ В ПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 282-289.
13. Файзибоев П. Н., Ахророва М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG 'LOM BOLALARNING OVQATLANISHINI VAHOLASH



//ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ.– 2023–Т. 4. – №.1.

14. Normamatovich F. P. PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY" NOVOT" //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 794-798.
15. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, & Ochilov Sardor Abduganievich. (2023). METHOD OF PREPARING NOVOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(6), 160–164. Retrieved from <https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/article/view/830>
16. Fayziboev Pirmamat Normamatovich. (2023). PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY "NOVOT". *Academia Science Repository*, 4(04), 794–798. Retrieved from <https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/131>
17. Soatov , M. M. o'g'li, & Elmurodova , L. X. qizi. (2023). SUVNI KOAGULYATSIYA QILISHNING GIGIYENIK AHAMIYATI. *GOLDEN BRAIN*, 1(30), 67–71. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/goldenbrain/article/view/5194>
18. Soatov , M. M. o'g'li. (2023). BOLALAR VA O'SMIRLARDA TEMIR TANQISLIGI ANEMIYASI. *GOLDEN BRAIN*, 1(10), 139–145. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/goldenbrain/article/view/3019>
19. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Ibragimova Fairuza Sobirovna, Makhmaraimov Fuzail Ilkhomovich, Abdurakhmonova Shakhnoza Sokievich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). HYGIENIC ASSESSMENT OF CRITERIA FOR SAFETY AND NUTRITIONAL VALUE OF FRUITS AND VEGETABLES. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 77–81.
20. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Fakhritdinov Shokhrux Fakhritdinovitch, Roziklov Dilshod Allayorovich, Obloberdiev Okhunjon O'tkirovich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). ESTIMATES OF CONSUMPTION OF CONFECTIONERY PRODUCTS IN THE AVERAGE DAILY DIETS OF THE POPULATION IN THE SUMMERAUTUMN SEASON. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 142–149.
21. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Нарзуллаева ГулмираТоштемир кизи, Фахритдинов Шохрух Фахритдин ўғли, & Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли. (2024). САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ ВА ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТЛИЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 136–141.
22. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузайл Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, &



Файзибоев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 71–76.

23. Tsai СЙ, Жунод Р, Жасот-Гуиллармод М, ет ал. Вагинал Ентеробиус вермисуларис diagnosed он ликуид-based сйтологй дуринг Папанисолаоу тест сервисал сансер скреенинг: А репорт оф two cases анд а ревиу оф тхе литературе. *Диагн Сйтопатхол* 2018; 46:179.

